Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 март, шанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 54 (1307)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 март куни Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директори Даниэл Кейзер бошчилигидаги ушбу халқаро молиявий ташкилот делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини қарор топтиришда ўзига хос иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётгани ҳақида сўзлаб берди. Биз Халқаро валюта жамғармасининг бу борада кўрсатаётган кўмагини жуда юқори баҳолаймиз ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз, деди жумладан Президент.

Учрашувда Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Бахтиёр Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов иштирок этди.

Қабулда Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Марк Оъбрайен ҳозир бўлди.

**Суратда қабул пайти.**
**Р. Нуриддинов тасвирга олган.**
**(ЎзА).**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

15 март куни Олий Мажлиснинг Раиси Э. Халилов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Барбара Хейни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида парламент алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш масалалари ҳақида гап борди.

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: ЯКУН ВА ИСТИҚБОЛ

***15 март куни Тошкентда «Ўзсаноатқурилишбанк» акционерларининг йиғилиши бўлди. Унда бир қанча вазирлик ва идоралар, банкларнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон акционерлик тижорат Саноат-қурилиш банкининг минтақавий филиаллари бошлиқлари иштирок этди.***

Йиғилишда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ўтган йилдаги иш якунлари, 1996 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди, бошқа молиявий ва ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Ҳисобот йилида банк кенгаши ва бошқаруви фаолияти молиявий барқарорликни ҳамда банк зиммасига юклатилган вазифалар ва мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун банкнинг баланс кувватини таъминлашга қаратилгани қайд этилди. Ҳукумат топшириғига мувофиқ банк алоҳида давлат аҳамиятига молик корхона ва қурилишларга, шунингдек саноат, қурилиш комплекси ва коммуникацияларнинг асосий тармоқларини ривожлантириш, технологик жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар етказиб бериш билан боғлиқ дастурларга кредит бериб, уларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турди.

Шу билан бирга, деб қайд этилди йиғилишда, банк кредит, ҳисоб-китоб ва касса хизматини яхшилаш, бошқа муаммоларни бартараф этиш борасида барча имкониятлардан фойдаланмади. Йиғилиш иштирокчилари банк фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилдилар. Уларда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўртинчи сессияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқларида баён қилинган қоидалар ҳисобга олинган.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этишди.

**(ЎзА).**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Тошкентда республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлди.***

Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйган масалалар ва фахрийлар ташкилотларининг бу борадаги вазифалари муҳокама этилди. Кенгаш раиси Б. Раҳимов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда халқимиз ижтимоий-иқтисодий, маърифий ва маданий соҳаларда эришаётган ютуқларга фахрийлар ҳам муносиб улуш қўшаётгани қайд этилди. Уларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса, қишлоқда туб ўзгаришларни амалга ошириш, жойларда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга кўмаклашишдан иборат эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда уюшма фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

***1996 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У. Мингбоев раислигида Олий суднинг пленуми бўлиб ўтди.***

Пленум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги масалани кўриб чиқди.

Олий суд раиси У. Мингбоев маърузасида, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарларининг музокара сўзларида мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг савдодаги ва хусусан, бозорлардаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларининг муҳимлиги ва ўз вақтида эканлиги қайд қилинди.

Мамлакатимизда маданиятли бозор муносабатларини ривожлантиришга суиистеъмолликлар, монополияга қарши қонунларни бузиш, ноҳақ йиғимлар олиш ва товламачилик фактлари, шунингдек, савдо соҳасида йўл қўйилаётган қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар жиддий тўсиқ бўлаётганлиги, бу эса иқтисодиётга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига катта зарар етказаётганлиги, маҳсулот етказувчиларни бозорлардан сиқиб чиқараётганлиги таъкидланди.

Пленум судлардан, солиқ, тергов ва бошқа давлат органларидан бунда айбдор бўлган шахсларга нисбатан жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги принципларига қатъий риоя этишларини талаб қилди. Товламачиларга (рэкетчиларга), талон-тарож, фуқаролардан ноҳақ йиғимлар олиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш билан шуғулланувчи бозор маъмуриятининг мансабдор шахсларига қаттиқ жазо чораларини қўллаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Шу билан бирга фуқароларнинг асоссиз равишда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишига мутлақо йўл қўйилмаслиги лозимлиги ҳам кўрсатилди. Судларга фуқаролар ҳуқуқларининг бундай бузилиши фактларига жиддий муносабат билдириш тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқларини тиклаш учун солиқ органлари ёки бошқа мансабдор шахснинг ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга ҳақли эканлиги қайд этилди.

Қабул қилинган қарорда савдо соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш бўйича зарур бўлган тушунчалар берилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходимлари, Бош прокурор Б. М. Мустафоев, адлия вазири С. М. Мирсафоев, Конституцион суднинг раиси Б. Эшонов, Олий хўжалик судининг раиси М. Абдусаломов, Ички ишлар вазирлиги, давлат солиқ қўмитаси вакиллари иштирок этишди.

**Э. БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 15 мартда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 22,08 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,40 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 16 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 28,16 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,52 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 55,52 |
| 10 Бельгия франки | 12,03 |
| 1 Голландия гульдени | 22,09 |
| 10 Греция драхми | 1,51 |
| 1 Дания кронаси | 6,40 |
| 1 БАА дирхами | 9,91 |
| 1 АҚШ доллари | 36,40 |
| 1 Миср фунти | 10,72 |
| 1 Ирландия фунти | 57,29 |
| 1 Исландия кронаси | 0,55 |
| 10 Испания песети | 2,94 |
| 100 Италия лираси | 2,32 |
| 1 Канада доллари | 26,61 |
| 10 Хитой юани | 0,44 |
| 1 Кувайт динори | 121,88 |
| 100 Ливан фунти | 2,30 |
| 1 Малайзия ринггити | 14,33 |
| 1 Германия маркаси | 24,73 |
| 1 Норвегия кронаси | 5,68 |
| 1 Польша злотийси | 14,16 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,39 |
| 1 Сингапур доллари | 25,86 |
| 1000 Туркия лираси | 0,53 |
| 1 Финляндия маркаси | 7,90 |
| 1 Франция франки | 7,21 |
| 1 Швеция кронаси | 5,37 |
| 1 Швейцария франки | 30,63 |
| 1 ЭКЮ | 45,68 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,47 |
| 10 Япония иенаси | 3,44 |
| 1000 Россия рубли | 7,53 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,19 |
| 1000 Беларусь рубли | 3,17 |
| 1Эстония кронаси | 3,07 |
| 1 Латвия лати | 66,67 |
| 1 Литва лити | 9,10 |
| 1Қозоғистон тенгеси | 0,56 |

***) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

*• Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори*

## САВДО СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ВА БОШҚА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда маданиятли бозор муносабатларини ривожлантиришга суиистеъмолликлар, монополияга қарши қонунларни бузиш, ноҳақ йиғимлар олиш ва товламачилик фактлари, шунингдек, савдо соҳасида йўл қўйилаётган бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар жиддий тўсиқ бўлмоқда, бу эса иқтисодиётга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига катта зарар етказмоқда.

Савдо қоидаларини, монополияга қарши қонунларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги айрим жиноят ва маъмурий ҳуқуқ нормаларини изоҳлашда бир хилда ёндашиш мавжуд эмас. Тергов амалиётида, солиқ органлари фаолиятида кўрсатилган қонунларни нотўғри татбиқ этиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Суд амалиётида товламачиларга (рэкетчиларга) ва товарларни бозорга эркин кириб келишига тўсқинлик қилаётган бошқа шахсларга, ноҳақ йиғимлар олиш, талон-тарож ва бошқа суиистеъмолликлар билан шуғулланаётган бозор маъмурияти вакилларига нисбатан асоссиз равишда енгил жиноий жазо чораларини тайинлаш, жиноятларни нотўғри квалификация қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Кўпинча савдо қоидаларининг бузилишига имкон берган сабаблар ва шароитлар аниқланмайди, бу туркумдаги ишлар бўйича суд процесслари кенг оммалаштирилмайди.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш, қонунларни тўғри ва бир хилда татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Савдо соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар жамият учун катта ижтимоий хавф туғдиришини назарга олиб, судлар, тергов ва солиқ органларининг эътибори бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги принципига қатъий риоя этишлари зарурлигига қаратилсин.

Товламачиларга, талон-тарож, фуқаролардан ноҳақ йиғимлар олиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш билан шуғулланувчи бозор маъмуриятининг мансабдор шахсларига, савдо қоидаларини бузувчи, ўта юқори нархларни сунъий равишда сақлаб турувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозордан қисиб чиқарувчи олибсотарларга нисбатан қаттиқ жазоларни қўллаш таъминлансин.

2. Судларга тушунтирилсинки, шахсларнинг товарларни бозорга эркин кириб келишига тўсқинлик қилишга, уларнинг танқислигини вужудга келтириш мақсадида товарларни муомаладан олишга қаратилган ҳаракатлари ва эркин бозор рақобатига ғов бўладиган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонунини бузиш деб баҳоланмоғи ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим.

Монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборотлар бермаган, шунингдек, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни билатуриб тақдим этган, мазкур органнинг қонуний қоидаларни бузишни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаган ёки ўз вақтида бажармаган шахслар ҳам ушбу модда бўйича жавобгарликка тортилмоғи керак.

Жиноят кодексининг 183-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка маъмурий тартибда жавобгарликка тортилгандан кейин бир йил мобайнида монополияга қарши қонунларни такроран бузган шахслар тортилиши лозим.

3. Қандай бўлмасин мулкий манфаатдор бўлиш мақсадида товарларни бозорга эркин кириб келишига ҳар қандай йўсинда тўсқинлик қилиш,

( Давоми 2-бетда).




### ТАНДИРДАН ЯНГИ «УЗИЛГАН» ХАБАРЛАР

#### ЯНА БИР ҲАМЮРТИМИЗ – НЬЮ-ЙОРК АКАДЕМИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

***Тошкент давлат университети физика факультети декани, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори Сирожиддин Зайнобиддиновнинг Нью-Йорк академиясига аъзо бўлганлиги ҳақида Америка Қўшма Штатларидан хушхабар келди.***

У бунга физика фани ва педагогика соҳасига қўшган катта ҳиссаси учун эришди.

#### ҚЎҚОНЛИК КИМЁГАРЛАРГА «МАРВАРИД ЮЛДУЗ»

***Қўқон суперфосфот корхонаси жамоаси Мексика миллий маркетинг институти директорлар корпуси президенти доктор Рафаэл Фернандес Лопес номидан «Халқаро сифат учун «Марварид юлдуз» совринига муносиб кўрганликлари ҳақида хушхабар олди.***

Ишчилар бунга ўз маҳсулотларининг сифатлилиги, жаҳон бозорида рақобатбардошлиги эвазига эришди.

#### ДЕНОВДАГИ КАЛИФОРНИЯ ТЕРАКЛАРИ

***Ҳозирги кунда Денов тумани ҳудудида терак ниҳолларини ўтқазишга катта эътибор берилаяпти.***

Бу ерда шу йилнинг ўзида 25 гектарли теракзор бунёд этилди. Ўтқазилган Калифорния теракларининг етти гектари Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашлидир. Айни чоғда Америка Қўшма Штатларидан олиб келинган бу ниҳолларни тажрибали боғбонлар парвариш қилаяпти.

#### «ОЗОДЛИК» ҚАНДИ

***Яқин келажакда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида ҳам қанд кўпайиб қолса керак.***

Гап шундаки, тумандаги «Озодлик» жамоа хўжалиги раҳбарлари яқинда Америка Қўшма Штатларининг қанд ишлаб чиқариш фирмаларидан бири билан бу ерда кичик шакар заводи қуриш бўйича аҳдлашиб олишди. Корхона ишга тушгач, бу ерда шакар ишлаб чиқариш билан бир қаторда қўшимча иш жойлари ташкил этилади. Қанд ишлаб чиқаришда ишлатиладиган лавлаги қолдиқларидан спирт, чорва моллари учун омухта ем тайёрланади.

#### АНДИЖОН ТАМҒАСИ БИЛАН

***Андижон механика заводида пахта етиштирувчи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб чигитни плёнка остига экадиган саккиз қаторли сеялка яратилди ва ишлаб чиқаришга қўйилди.***

Бугунги кунда жамоа ишчилари корхонада тайёрланаётган бу маҳсулотларни мижозларга етказиб бермоқда.

#### 50 ТОННА ЁҒ БЕРИЛДИ

***Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Меҳнатобод туманининг «Меҳнатобод» ширкатлар уюшмасида яхши йўлга қўйилган.***

Масалан, шу яқин ойлар ичида болалар нафақаларига 47 минг сўм ажратилди. Аҳолига 50 тоннадан ортиқ пахта ёғи, 250 тонна буғдой тарқатилди.

#### НАВРЎЗГА АТАБ

***Куни кеча Беруний ёғ-мой комбинатида Наврўзга аталган умумхалқ шанбалиги ўтказилди. Унда 150 га яқин киши иштирок этди.***

Шу куни улар жами 450 минг сўмлик иш бажарди. Истеъмолчиларга 23 тонна пахта ёғи, 22 тонна шелуха, 30 тоннадан кўпроқ кунжара жўнатилди. Шанбаликдан топилган маблағнинг бир қисми Наврўз жамғармасига ўтказилди.

#### ПЛЁНКА ОСТИДАГИ ЧИГИТ

***Тўрақўрғон тумани жамоа хўжаликларининг иккитасида 200 гектар майдон бўйлаб плёнка остига ғўза ниҳолларини парвариш қилиш йўлга қўйилди.***

Бу эса ўз навбатида пахтани сентябрь ойида етиштириш ва териб олиш, октябрнинг биринчи ўн кунлигида ерни ҳайдаб, ўрнига буғдой экиш имконини беради.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### УШБУ СОНДА:

2 ШУКРОНАЛИК
ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

3 ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ

4 ДИЛИДА МАВЖ УРАР ДАРЁЛАР
МУБОРАК ТЎЙДАН АЖИБ ЭСДАЛИК

# ШУКРОНАЛИК

## Президент Девонига келган хатларни ўқиб...

***Мамлакатимиз ўтиш даври мураккабликларига қарамай, барча соҳаларда йил сайин юксалиш сари юз тутмоқда, жаҳон жамоатчилиги томонидан Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий барқарор, тинч ва осойишта давлат сифатида эътироф этилаяпти. Шу ўринда яқинда Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий анжуманида учрашув натижалари бўйича эълон этилган ахборот «Ўзбекистон — собиқ совет мамлакати ўрнидаги тараққиёт қутби», дея номланганини алоҳида таъкидламоқ керак.***

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақил овози ва ўрнига эга. У нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам ўзига хос ва мос йўлдан бормоқда.

Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат доимо фуқароларимиз диққат-эътиборида туради. Улар мамлакатимизда рўй бераётган тарихий воқеаларни мунтазам кузатиб, фикр-мулоҳаза, таклиф ва истакларини билдириб борадилар. Бу фикрни Президент девонига келаётган мактублар ҳам тўла-тўкис тасдиқлайди.

«Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кунни ҳаётимдаги энг муҳим воқеалардан бири, деб биламан, — деб ёзади Шаҳрисабз туманидан А. Солиҳов. — Ана шу тарихий воқеага ҳам яқинда тўрт йил тўлди. Президентимиз БМТ минбаридан туриб, икки марта нутқ сўзлади. Халқаро ҳамжамиятнинг нуфузини янада ошириш, унинг эътиборини уруш олови тобора алангаланаётган нуқталарга қаратиш, наркобизнес, қурол-яроғ сотиш ва тарқатишни таъқиқлаш, Афғонистон ва Тожикистон можароларини музокаралар йўли билан ҳал қилиш, Орол муаммоси ҳамда Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни сақлаш учун заҳира кучларни ташкил этиш ҳақидаги фикр-мулоҳаза, таклиф ва истаклари халқаро ҳамжамият ва жаҳон афкор оммаси томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганлиги шу юртнинг фуқароси сифатида мени ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Бу мамлакатимизни халқаро майдонда эътироф этилаётганлигининг ёрқин далилидир».

Яқинда бўлиб ўтган Давос учрашуви ҳамда унинг натижалари ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Президентимиз Давосга бу гал бешинчи бор ташриф буюрди. Уни ҳар гал хорижий мамлакат тадбиркорлари, давлат ва жамоат арбоблари қизғин қарши олади, учрашув, суҳбат ва брифинглар ташкил қиладилар. Ана шу мулоқотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистонга қизиқиш, аниқ лойиҳалар асосида сармоя киритишни мўлжаллаётган йирик фирма ва компаниялар сони тобора кўпаймоқда.

«Сизнинг Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этганингиз ва шу муносабат билан ўтказилган матбуот конференциясидаги нутқингизни тинглаб, қалбимизда келажакка ишонч, ғурур, Сиздек юртбошимиз борлигидан фахрланиш туйғулари жўш урди, — дейилади Иштихон тумани касаба уюшмаси раиси М. Худойқуловнинг Президент номига йўллаган шошилинчномасида. — Менга шу пайтгача қийинчиликларнинг чеки йўқдай туюларди. Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан мамлакатимизга ўзаро тенглик асосида чет эл сармояларининг кириб келаётганлиги ҳамда унинг илк самаралари ишонч ва ғуруримизни тобора мустаҳкамламоқда».

Тарихдан маълумки, Марказий Осиё минтақасидаги халқлар азалдан оға-ини, дўст-биродар бўлиб яшаб келганлар. Лекин инқилобдан олдинги ва кейинги сиёсат туфайли улар ўртасида сунъий тўсиқ — чегара ўрнатилди: онгли равишда бегоналаштириш сиёсати амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан дунёга келган «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси қадимий ва азалий «ришта»ларимизнинг мантиқий давомидир. Шу боис мазкур ғоя кўпчилик томонидан дастлабки кунларданоқ қўллаб-қувватланди. Ва биз Тошкентда унинг илк натижаларининг гувоҳи бўлдик. Президент Девонига келган аксарият мактублар ана шу ҳақда.

«Биз оиламиз билан Марказий Осиёдаги уч мамлакат бошлиқларининг Жамбул учрашувида қабул қилинган минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган тарихий шартномани қувонч билан кутиб олдик. Мазкур шартнома минтақа ҳамда эндигина тетапоя бўлаётган мустақил давлатларимиз учун сув ва ҳаводай зарурдир». Уни Қўрғонтепа туманининг Маъмуробод қишлоғида истиқомат қилувчи Адҳамжон Аҳмедов йўллаган.

Иккинчи гуруҳга мансуб мактубларда эса, асосан, мамлакатимиз ички сиёсатига дахлдор бўлган масалалар қаламга олинган. Уларнинг аксарияти ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини татиган уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоли ҳамда фаолларига тааллуқлидир. Улар, асосан, бугунги тинч ва осойишта кунларимизга нисбатан шукроналик, Президент ва ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатга хайрихоҳлик, мавжуд муаммо ва камчиликларга нисбатан куюнчаклик туйғулари билан йўғрилган.

«Биз қариялар Сизнинг халқ дарди билан яшаб, тиним билмаслигингиздан ҳайратдамиз, — дейилади Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидан йўлланган мактубларда. — Агар пастдаги бошқа раҳбарларнинг ҳам бари ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-юрт билан бўлиб, ўзларига билдирилган ишончни қадрлаб, дадил иш тутганларида Сиз очиб ташлаган камчилик ва нуқсонларга ўрин бўлмасди. Раҳбарларнинг кўпини кўрганмиз. Лекин ҳозиргидек мураккаб шароитда халқ ташвиши билан яшаш, давлатчилигимизни мустаҳкамлашда оқил йўл танлаб, қатъият кўрсатишга ҳамма ҳам қодир эмас. Танлаган йўлингиз тўғри ва муборак йўл. Шунинг учун ҳам ёшу қари — барчамиз Сизга ҳамдаммиз. Ҳозирги кунимизга шукроналар бўлсин. Порлоқ келажагимизга ёруғ юз билан эришайлик... Хайрли ишларингизда Оллоҳ Сизга мададкор бўлсин».

Мамлакатимиз танлаган йўл, бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири ижтимоий ҳимоядир. Буни айрим мутахассислар инсонпарвар сиёсат ҳам деб баҳолашмоқда. Унинг жамиятдаги асосий кўринишлари бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган, кўп болали ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш шаклида намоён бўлмоқда. «Мен бу мактубни маҳалламизда истиқомат қилаётган ўн мингдан ортиқ аҳоли номидан ёзаяпман, — дейди Наманган шаҳар «Маданий-маориф» фуқаролар йиғини раиси М. Муҳиддинов. — Маҳалламизда кам таъминланган оилалардан 130 нафарига ҳар ойда 50-60 минг сўмлик ёрдам пули берилаяпти. Маҳалла фуқаролари бундан баҳраманд этилаётганларидан бошлари осмонда.

Шу ўринда ҳукуматимиз томонидан маҳалла фаолиятига эътибор берилаётгани, бошқарув тизимининг ўзига хос шакли сифатида эътироф этилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Бу мустақиллик нишонаси, мустақиллигимизнинг яна бир белгисидир».

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир фуқаронинг эътиқод эркинлиги тўла кафолатланган. Ягона мафкура ҳукмронлиги давридан фарқли ўлароқ, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, бироқ улар бир-бирининг ривожланиши, тараққий этишига халақит бермайди. Мамлакатимизда диний қадриятларга миллий қадриятларимизнинг ажралмас бўлаги сифатида катта эътибор берилмоқда. Уларни бир-биридан айириш не оқибатларга олиб келиши кечаги тузумимиздан барчамизга яхши аён.

«Халқимизнинг асрий орзу-ниятлари мустақиллик воситасида рўёбга чиқмоқда. Кўп узоққа бормай, кечаги кунимизни бир эслайлик. Масжидга чиққани қўрқар: намозни яширинча уйда ўқир эдик. Ҳозир-чи? Ҳозир беш вақт намозни шаҳримиздаги ўттиздан зиёд масжиднинг хоҳланганида адо этмоқдамиз, — деб ёзади қўқонлик фуқаро Содиқжон Аҳмаджонов. — Илгари муборак Ҳаж сафарига Ўрта Осиё диний назорати орқали минглаб чиғириқдан ўтказилгандан сўнг бор-йўғи ўн-ўн беш киши (у ҳам жаҳон жамоатчилиги назари учунгина) юборилган бўлса, бу йил уч ярим минг киши ана шундай имкониятга сазовор бўлаяпти. Боз устига, ҳукумат уларга катта моддий ёрдам ва қулайликлар яратиб бермоқда».

Президент Девонига келган яна бошқа кўплаб хатларни ўқирканмиз, мамлакатимиз фуқароларида юртбошимизнинг, айниқса, халқ депутатлари Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоят кенгашлари сессиялари, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида сўзлаган нутқлари катта таассурот қолдирганини пайқаш мумкин.

«Вилоят сессиялари ҳамда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишларни радио, телевидение, матбуот воситалари орқали чала ярим эмас, тўлиқ берилаётгани кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда, — деб ёзади сурхондарёлик фуқаро О. Дўстбобоев. — Бунинг иккита афзаллик жиҳати бор: биринчидан, халқ мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда, олдимизда турган вазифалар нималардан иборат, қандай ютуқ, камчилик ва муаммолар борлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлса, иккинчидан, мавжуд иллат, камчилик ва нуқсонларнинг асл «гуноҳкори» ким эканлиги, ким қандай ишлаётгани ҳақида аниқ хулосага эга бўлаяпти...» Бундай мазмундаги мактублар кўпчиликни ташкил этади. Қувонарлиси шундаки, улар мамлакатимиз фуқаролари жамият ҳаётига дахлдор долзарб масалалар билан юрак-юракдан қизиқаётганликларининг, нафақат қизиқиш, балки таклиф, фикр-мулоҳаза ҳамда истак воситасида тобора фаолроқ аралашишга рағбат билдираётганлигининг яққол гувоҳидир.

Хат ва шошилинчномаларнинг катта бир қисми 29 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 1995 йил якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш ва юртбошимизнинг ушбу мажлисдаги нутқи хусусида.

«Ушбу мажлисни «ойнаи жаҳон» орқали икки марта диққат билан кузатдим, — деб ёзади сирдарёлик А. Жозилов. — Шунингдек, бошқа бир қанча йиғилиш, халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят кенгашлари сессияларини ҳам назардан четда қолдирганим йўқ. Мени ундаги изчиллик ҳайратга солади. Ҳар бир маъруза бир-бирини мантиқан тўлдириб, изоҳлаб, асослаб боради. Кўтарилаётган масала аниқ ва лўнда. Бу эса, табиийки, унинг таъсир қудратини янада оширади...»

Мактубларнинг яна бир қисми ёшлардан. «Мамлакатимизда қисқа давр мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳаларда чуқур ҳамда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — деб ёзади Чортоқ шаҳар «Зуҳал» ҳиссадорлик жамияти Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг аъзолари. — Биз — ёшлар яратувчилик ишларингиз, давлатимизни мустаҳкамлаш йўлида қилаётган тинимсиз саъй-ҳаракатларингизда Сизга доимо хайрихоҳмиз. Нутқингизда белгиланган режалар бизнинг ҳаракат дастуримиз бўлиб хизмат қилади...».

«Президентимиз сўзлаган ҳар бир нутқ ҳеч кимни ҳаяжонга солмасдан қўймайди, — деб ёзади «Маънавият ва маърифат» марказининг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи Ў. Носиров. — Шундай бир мураккаб даврда ҳар биримиз ўз ўрнимиз, жамият ва оила олдидаги бурчимиз хусусида чуқур мулоҳаза юритиб, бор билим ва тажрибаларимизни ишга солишимиз лозим. Буни чин дилдан ҳис этмоқдамиз...».

Бир қатор мактубларда Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясида: «Ахир ўйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бугун не-не машаққатлар билан қураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади? Бугунги катта ислоҳотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладимийўқми?», деб келажак учун куйиниб айтган гаплари мисол қилиб келтирилса, яна бир туркум мактубларда эса Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда айтилган: «Иқтисодиётни ягона тирик жонга қиёслаш мумкин. Кўп жойларда ўз мансабига нолойиқ раҳбар касофатидан бир бўғинда ишларнинг барбод бўлиши, муттасил оқсаши, бутун бошли ислоҳотлар механизмининг бир жойда депсиниб қолишига олиб келиши муқаррар», каби бугунги кунимизга дахлдор, аччиқ ва ҳаққоний гаплардан иқтибос келтирилган. Қизиқарли томони шундаки, мактубларнинг аксарият қисмида Президентимиз нутқида таъкидланган раҳбарлик масъулияти, унинг бугунги кундаги ўрни, одиллик, ташкилотчилик, ташаббускорлик каби хислатлари ҳақида сўз юритилган. Ҳар бир раҳбар ўз салоҳиятига яраша лавозимда ишлаши керак. Даврдан орқада қоладиган, узоқни кўра олмайдиган, ҳалоллик, қатъийлик ҳамда фидойилик хислатларига эга бўлмаган раҳбар узоққа боролмайди. Буни энг аввало унинг ўзи англаши керак. Аксарият мактубларда халқ таълими тизимидаги хато ва камчиликлар ўтиш даври мураккабликларини баҳона қилаётган айрим ношуд ва нўноқ раҳбарларга хос иллат эканлиги таъкидланган.

Бошқа яна бир қатор мактубларни ўқиб, фуқароларимизда бир вақтлар унут бўлиб кетган ватанпарварлик бурчи қайта уйғонаётганлигидан кўнгил таскин топади, тоғдек кўтарилади.

Термиз шаҳридаги Алишер Навоий номли 11-ўрта мактабнинг олий тоифали кимё ўқитувчиси Маҳзуна Сафарова ўз хатида: «Ёш авлодни соғлом, билимдон, ватанга садоқатли асл фарзандлар қилиб тарбиялашда бор билим ва тажрибаларимизни сарфлаймиз. Уларга пухта билим бериш, миллий урф-одат, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаб, ҳалол-пок инсонлар бўлиб етишиш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз», — дея аҳд қилади.

Шўрчи туманидаги «Олтинсой» хусусий корхонаси бош директори Ўрозбой Какабоев эса Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон йўналишидаги темир йўл қурилиши ана шу минтақадаги кўплаб иқтисодий муаммоларнинг ечимини тезлаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб, «Биз ушбу эзгу ишга корхона ҳисобидан моддий ёрдам беришга аҳд қилдик», деб ёзади.

Мактубларни ўқиб, мамлакатимиз фуқаролари келажакка тобора ишонч билан қараётганликлари, жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда янгиланишнинг оддий иштирокчиси эмас, фаол ва онгли ташаббускори бўлишга интилаётганликларининг шоҳиди бўлиш мумкин. Зеро, бунинг учун бизда тўла асос бор. Президентимиз яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқида ўтган йилга якун ясар экан: «1995 йил кўп жиҳатдан жамиятимизни, иқтисодиётимизни, қолаверса, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда туб бурилиш йили бўлди.

Йил якунлари биз ишлаб чиққан йўналиш, иқтисодий ислоҳотларнинг устивор жиҳатлари тўғри эканлигини тасдиқлади ва ўз самарасини бера бошлади. Шуларнинг натижасида ва таъсирида Ўзбекистон иқтисодида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиши суръати амалда тўхтатилди.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар ва соҳалар бўйича ўсиш суръатларига эришилди», деб таъкидлади. Бу эса келажагимиз порлоқ ва буюк бўлади, дейишимизга ёрқин кафолатдир.

**(ЎзА).**

---

**• Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори**

# САВДО СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ВА БОШҚА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

**( Давоми. Боши 1-бетда).** маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозордан қисиб чиқариш, ўта юқори нархларни сунъий равишда сақлаб туриш тўғрисида талаб қўйиш ва товар эгасига, бозор маъмурияти ёки ўзга шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уларни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, мулкига шикаст етказиш ёки мулкини нобуд қилиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар товламачилик (рэкет) тариқасида Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим. Товламачилик мулкий манфаатдор бўлиш мақсадида талаб қўйишда ёхуд товламачи фойдасига мулкий характердаги ҳаракатларни содир этишда (товарни паст нархда ёхуд текинга беришда, товарни зўрлик ишлатиб олиб қўйиш ва шунга ўхшаш) ифодаланиши мумкин. Товламачилик учун жиноий жавобгарликка тортишга айбдорнинг зўрлик ишлатиш тўғрисидаги таҳдидини амалга оширган бўлиши шарт бўлмай, бундай талаб қўйилишининг ўзи етарлидир.

4. Савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида товарларни олган ва қайта сотган ҳолда амалга ошириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 176-моддасининг 2-қисми бўйича маъмурий жавобгарликни юзага келтиради. Маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида ўшандай ҳаракатларни такроран содир этиш Жиноят кодексининг 188-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни юзага келтиради.

Юридик шахслар ва фуқароларга товарларни ёки бошқа ашёларни олишда ёки сотишда, томонлар ўртасида битимлар тузишда, шунингдек, бошқа воситачилик ҳаракатларини амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларнинг рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаган ҳолда содир этадиган ҳаракатлари ҳам Жиноят кодексининг мазкур моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим.

Бундай қайд этилган ҳаракатлар хавфли рецидивист, бир гуруҳ шахслар томонидан, уюшган гуруҳлар томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ёхуд анча ёки кўп миқдорда назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида содир этилган бўлса, бу ҳаракатлар учун Жиноят кодекси 188-моддасининг 2- ва 3-қисмларида кучайтирилган жиноий жавобгарлик назарда тутилганлигини эътиборга олмоқ лозим. Бундай ҳолларда қонун айбдорни дастлаб маъмурий жавобгарликка тортишни кўзда тутмайди.

5. Тушунтирилсинки, амалдаги қонунларга мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги, айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради.

Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатномасиз (лицензия) амалга ошириб гина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим.

6. Жиноят кодексининг 189-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164 ва 168-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш деганда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бузилиши тушунилмоғи лозим.

Бунда суд айбдор томонидан айнан қайси савдо қоидаси бузилганлигини кўрсатиши шарт.

7. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасида жавобгарлик назарда тутилган солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деганда фойда (даромад)ни ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан ўзгача бўйин товлаш тушунилмоғи лозим.

Шу ҳаракатлар анча миқдорда содир этилганда Жиноят кодексининг 184-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик юзага келади.

Солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган.

Бунда амалдаги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлари солиққа тортилмаслигини эътиборга олиш лозим. Фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги мавжудлиги маҳаллий ҳокимият органининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

8. Ҳақ олиш эвазига товарларни ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозорга эркин кириб келишига тўскинлик қилувчи, ўта юқори нархларни сунъий равишда сақлаб турувчи бозор маъмуриятининг мансабдор шахслари ҳамда ўз фаолиятини савдо соҳасида амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар Жиноят кодексининг 210-моддаси бўйича порахўрлик учун жавобгарликка тортилиши лозим.

Қайд этилган ҳаракатлар ҳақ олиш билан боғлиқ бўлмай, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказган бўлса, уларни иш ҳолатларига қараб Жиноят кодексининг 205-моддаси билан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш тариқасида ёки Жиноят кодексининг 206-моддаси билан ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш тариқасида квалификация қилиш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлардан бир марталик ёки бошқа йиғимлар учун белгиланган миқдордан ортиқ пул маблағларини беришни талаб қилган бозор маъмуриятининг мансабдор шахс ҳисобланмайдиган ходимлари товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилганлик учун Жиноят кодексининг 214-моддаси билан жавобгарликка тортилиши керак.

9. Тушунтирилсинки, хўжалик юритувчи субъект томонидан метрология, сертификатлаштириш, маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш тегишли равишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 213, 214 ва 215-моддалари бўйича маъмурий жавобгарликни юзага келтиради.

10. Савдо соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишларни кўришда судлар солиқ органлари ва ички ишлар органларидан айбдор худди шундай ҳуқуқбузарлик учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги ҳақида маълумотлар тақдим этишни талаб қилишлари шарт.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳар бир фуқаро солиқ органлари ёки ҳар қандай бошқа мансабдор шахснинг ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

Бунда фуқаро мулки ёки бошқача зиённи ундиришни талаб қилса, суд у талабларни умумдаъво тартибида кўриши шарт.

12. Судлар савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни тўғри ва тезкорлик билан кўрилишини таъминлашлари, энг долзарб ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш чораларини кўришлари шарт.

13. Судларнинг эътибори ушбу туркумдаги жиноят ва маъмурий ишларни кўришда тергов ва солиқ органларининг жиноятни ҳар тарафлама ва холисона тергов қилиш, унга алоқадор бўлган барча шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги материалларни тўлиқ бўлишлиги тўғрисидаги процессуал қонун нормаларига оғишмай амал қилишлари устидан талабчанликни кучайтириш зарурлигига қаратилсин,

Фуқароларнинг асоссиз равишда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши, уларга тегишли мулкларни қонунсиз равишда олиб қўйилиши ҳолларига жиддий муносабат билдирилсин. Ҳар бир қонун бузилиши, жиноятда қатнашган барча шахсларни жавобгарликка тортилмаганлиги факти бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишлари, савдо соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга имкон берган сабаб ва шароитларни синчиклаб ўрганишлари, хусусий ажрим чиқариш йўли билан уларни бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар судининг раислари ушбу туркумдаги ишлар бўйича қонунларни тўғри ва бир хилда татбиқ этилишини таъминласинлар, доимий равишда суд амалиётини умумлаштириб борсинлар, ундаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси**
**У. МИНГБОЕВ**
**Пленум котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Ю.ТУРСУНБОЕВ.**

